хр

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№43 (1170), 2018 йил 25 октябрь

## Жаҳон банки билан ҳамкорлик лойиҳаси

**Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳани ҳаётга татбиқ этишга бағишланган семинар ўтказилди.**



Мазкур лойиҳа «Ўзбекистон Республикасидаги кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимларини модернизация қилиш» деб номланиб, семинарда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев, Жаҳон банки мутахассислари ва халқаро экспертлар лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, ундан кутилаётган натижалар, айни пайтда мутасадди идоралар томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларга тўхталиб ўтди.

Умумий қиймати 35,77 млн. АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банки томонидан 20 млн. доллар миқдорида кредит ажратилган. Лойиҳага кўра, 2017–2021 йилларда геоахборот тизимлари ва веб-технологиялардан электрон ҳукумат тизимининг таркибий қисмлари сифатида фойдаланиш асосида кўчмас мулк кадастри ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишнинг замонавий, интеграллашган ахборот тизимини яратиш орқали амалдаги рўйхатдан ўтказишнинг «қоғозли тизими» тубдан модернизация қилинади, кўчмас мулкларнинг кадастр ва рўйхатдан ўтказиш тизими яратилади, маълумотлар рақамлаштирилиб, электрон тизимга ўтилади.

*ЎзА материали асосида*

## Экспортчи корхонанинг салоҳияти

**Тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар аҳолининг реал даромадлари ва рақобатбардош маҳсулотлар тури ортишига хизмат қилмоқда.**

Яқинда иш бошлаган «Golden Corn» Тошкент крахмал-патока заводининг ишга тушиши ҳам бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 апрелда Тошкент шаҳри, Чилонзор туманига ташрифи чоғида «Oloy Gulzor Servis» масъулияти чекланган жамияти негизида умумий қиймати 4,6 млн. долларлик «Golden Corn» Тошкент крахмал-патока заводи лойиҳасининг тақдимоти бўлган эди. Мана шу бир йилдан ошиқ вақт мобайнида мазкур лойиҳани амалга ошириш учун корхона таъсисчиларининг 2,6 млн. доллар ўз маблағлари, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан эса 2 млн. доллар миқдорида инвестиция кредити йўналтирилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида корхона 20 октябрь куни ўз фаолиятини бошлади ва 100 дан ортиқ ёшларни иш билан таъминлади.

*(Давоми 2-бетда).*

**FINANCEUZ хабар қилади**

## Манфаатли келишувлар имзоланди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида бир қатор тижорат банкларимиз ҳамда Россиянинг етакчи молия муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик келишувлари имзоланди.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги минтақалараро ҳамкорлик форумида Ўзмиллийбанк ва Сбербанк ўртасида 350 млн. АҚШ долларилик ҳамкорлик шартномаси тузилди. Мазкур келишув йирик лойиҳаларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорликни назарда тутади. Бундан ташқари, Ўзмиллийбанк мижозларига Сбербанкнинг кенг кўламли хизматларидан – молиялаштиришни тузиш, савдони молиялаш, лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда товар ва хизматлар хариди вақтида ишончли ва тасдиқланган етказиб берувчиларни танлаш учун Сбербанк маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини беради.

*(Давоми 2-бетда).*

## Халқаро инновация форуми




23 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар комплексида «INNOWEEK» инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида Халқаро инновацион-инвестицион форум ўз ишини бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда чет эл илмий-инновацион марказлар, инвестицион жамғармалар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этмоқда.

*(Давоми 5-бетда).*

УШБУ СОНДА:

**Банк хизматлари** Тижорат банкларидан хабарлар *2-бет.*



**Инвестиция** «Навоий» ЭИЗнинг илдам қадамлари *5-бет.*

**Статистика ва таҳлил** «Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар *6-7-бетлар.*



ҲАМКОРЛИК

# Манфаатли келишувлар имзоланди

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Шунингдек, ўтказилган форум доирасида Ўзмиллийбанк Россиянинг яна бир йирик Внешэкономбанки («Ривожланиш ва ташқи иқтисодий фаолият банки» давлат корпорацияси) билан ҳам 200 млн. АҚШ долларилик шартнома имзолади. Мазкур банкнинг кредит линияси Ўзбекистонда стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун Россия ускуналари ва хизматларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлашга ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ижтимоий соҳада ва атроф-муҳит инфратузилмасини ривожлантиришда кўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилгандир.

Шартнома юқори технологияли ускуналарни экспорт қилишда Россия Федерацияси томонидан фоиз ставкасини субсидиялаш механизмидан фойдаланиш ҳисобига, паст фоиз ставкаларида кредит ресурсларини жалб қилиш имконини беради.

Ўзмиллийбанк қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳам Россия Федерациясининг етакчи молия муассасаси ҳисобланган «Газпромбанк» АЖ билан 50 млн. АҚШ доллари миқдорида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзолади.

Мазкур ҳужжат «Газпромбанк» билан «Ўзсаноатқурилишбанк» ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилишига хизмат қилиши тайин. Унга кўра, углеводородларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш, тоғ-кон ва металлургия саноати, транспорт, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, қурилиш ва атом энергетикаси сингари иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини молиялаштириш ва инвестициявий кредитлаш бўйича ишларни олиб бориш белгиланди.

Шунингдек, келишув доирасида, қимматли қоғозлар ва қарз капитали бозорларида операцияларни амалга ошириш бўйича ҳам ҳамкорлик қилинади. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» облигацияларининг нафақат Россия Федерацияси ҳудудида, балки бошқа хорижий мамлакатларда ҳам чиқарилиши белгиланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, «Газпромбанк» билан ходимлар малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилиши назарда тутилган бўлиб, бу «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан амалга оширилаётган трансформация жараёнларини янада жадаллаштиради.

Қайд этиш жоизки, имзоланган мазкур шартномалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга кўмаклашиб, узоқ муддатли кредит ресурсларини қулай шароитларда жалб қилиш ва юртимизда янги сармоявий имкониятларни яратишга замин яратади.

Шу билан бирга, мазкур кредитлар йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ва республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кўтаришга хизмат қилади.

# Экспортчи корхонанинг салоҳияти



*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Ўртача йиллик қуввати 9,6 миллион доллар миқдорида крахмал кукуни, патока, мальтоза ва мальтодекстирин ишлаб чиқарувчи бу завод Марказий Осиёда ягонадир. У асосан маккажўхори донидан ўндан ортиқ турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Мазкур заводнинг кунлик қуввати 80 тонна хомашёдан турли маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, заводда асосий маҳсулотдан ташқари чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун омихта ем ва биоқўшимча маҳсулотлар, ёғ-мой комбинатлари учун иккиламчи хомашё ҳам ишлаб чиқаради.

– Лойиҳани амалга оширишда «Қишлоқ қурилиш банк» мутахассислари ҳам камарбаста бўлишди, – дейди завод директори Шамсиддин Шукуров. – Уларнинг молиявий кўмаги орқали Хитой ва Эрон технологияси келтирилди ҳамда иш жараёнига малакали хорижий мутахассислар ҳам жалб этилди. Шу боис маҳсулотларимиз сифати тўлиқ жаҳон стандартларига жавоб беради. Агар ишлаб чиқариш жараёнига тўхталадиган бўлсак, 50 тонна жўхори қайта ишланганда, ундан 35 тонна крахмал, 3,5 тонна ёғ, 2,5 тонна глютен, 5,5 тонна чорва учун озуқа олинади. Бу маҳсулотлар озиқ-овқат, енгил саноат, қандолатчилик, чорвачилик каби соҳаларда ишлатилади. Маккажўхори хомашёсидан ташқари гуручдан ҳам фойдалансак бўлади.

– Албатта, бу каби лойиҳаларни юртимиз бўйлаб кўплаб учратиш мумкин, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» бўлим бошлиғи Даврон Ғойипов. – Таъкидлаш жоизки, банкимиз ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестициявий лойиҳаларни молиялашда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 1,3 триллион сўмга яқин инвестиция кредитлари ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Бу маблағларнинг барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг охиригача қадар йирик аҳамиятга эга 400 яқин лойиҳани молиялаштириш мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 300 дан ортиғи амалга оширилди. Мазкур корхона ҳам ана шу лойиҳаларимизнинг биридир.

Қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар крахмал кукуни ички бозоримизга Россия ва Қозоғистондан импорт қилинарди. Эндиликда «Golden Corn» Тошкент крахмал-патока заводининг рақобатбардош маҳсулотлари ички бозоримизни тўлиқ таъминлайди.

Бундан ташқари, корхона келгусида маҳсулотларни четга экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

**Б.МУҲАММАДИЕВ**

F FINANCEUZ хабар қилади

## БАНКЛАРДАН ЯНГИЛИКЛАР

### «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ фаолияти халқаро сифат менежменти тизими бўйича ISO 9001:2015 стандарти талабларига мувофиқ деб топилди.**

Мазкур халқаро стандартнинг жорий қилиниши банкда иш жараёнларини амалга ошириш мезонлари ва мижозларнинг банкка бўлган муносабатини таҳлил қилиб боришга замин яратади. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга омил бўлади.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида банк-молия соҳасида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, банк таваккалчилигини баҳолаш механизмлари такомиллаштирилиб, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари жорий этилмоқда.

### «АЛОҚАБАНК» ISO 9001:2015 МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

**АТ «Алоқабанк» халқаро сифат менежменти тизими бўйича «Банк хизматларини кўрсатиш» йўналишида ISO 9001:2015 стандарти талабларига мувофиқлик сертификатини қўлга киритди.**

Аудит Германиянинг TÜV International Certification (TIC) сертификатлаштириш муассасаси томонидан ўтказилди. Унинг натижаларига кўра ISO 9001:2015 талаблари АТ «Алоқабанк» бош офиси ва барча филиаллари томонидан бажарилганлиги тасдиқланди.

«Алоқабанк» сифат менежменти тизимини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб, банкнинг асосий мақсади – мижозлар ишончини қозониш ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

### ЎЗМИЛЛИЙБАНКДАН «МУСТАҚИЛЛИК 27» ОМОНАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки миллий ва хорижий валютада янги муддатли омонат – сақлаш муддати 27 ойлик «Мустақиллик 27»ни таклиф этмоқда.**

Омонатнинг миллий валютадаги йиллик фоиз ставкаси 18 фоизни, хорижий валютадаги йиллик фоиз ставкаси 5 фоизни ташкил қилади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда мижоз хоҳишига кўра, талаб қилиб олгунга қадар ҳисобрақами, сўм пластик карточкаси ёки VISA пластик карточкасига кирим қилиниши мумкин. Омонат шартномаси муддатдан олдин ёпилган тақдирда, омонатга ҳисобланган ва мижозга чиқим қилиб берилган омонат фоизлари белгиланган тартибда қайта ҳисобланади.

### АГРОБАНК «МЕНИНГ ЮРТИМ» ОМОНАТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

**Агробанк АТБ нақд пул ва пластик карта маблағи ҳисобидан қабул қилинувчи янги, миллий валюта кўринишидаги «Менинг юртим» омонат турини тақдим этмоқда. Омонат муддати 13 ойни, йиллик фоиз ставкаси 18 фоизни ташкил этади.**

Омонатга қўйилувчи минимал сумма 15 млн. сўм бўлиб, қўшимча бадаллар қўшиб бориш – капитализация мавжуд эмас. Омонат фоизи ҳар ой нақд пул ёки пластик карта орқали тўлаб берилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

## Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 сентябрда 2527-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва 98-сон қарори (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 622-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** — **М. НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2018 йил 27 август, 329-В-2-сон*

**Ўзбекистон Республикаси**
**Молия вазири** — **Д. КУЧКАРОВ**
*Тошкент ш.,*
*2018 йил 27 август, 123-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқаруви ва*
*Молия вазирлигининг*
*2018 йил 27 августдаги*
*329-В-2, 123-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.».

2. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарз олувчилар (қарздор) — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахслар, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатлами вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тавсиянома — мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича ҳужжат.».

3. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 баравarigача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси, шу жумладан тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги маржа билан тақдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.».

4. 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Давлат мақсадли жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги инвентари ва ускуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хомашё харид қилиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, ҳунармандчилик, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хомашё, ер, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар.».

6. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қарз олувчи — жисмоний шахслар микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ариза;

паспорт нусхаси;

тавсиянома.».

7. Қуйидаги мазмундаги 91-банд билан тўлдирилсин:

«91. Қарз олувчи — тадбиркорлик субъектлари микрокредит олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

тегишли давлат солиқ инспекциясининг қарз олувчи охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно;

мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири.».

8. 11-банднинг иккинчи хатбошида «мол-мулк гарови» сўзларидан сўнг «(жисмоний шахслар бундан мустасно)» деган сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ 1 ва 2-иловалар билан тўлдирилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бандлик ва меҳнат муносабатлари**
**вазири** **Ш. КУДБИЕВ**
*2018 йил 27 август*

*Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга*
*1-ИЛОВА*

*«Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга*
*1-ИЛОВА*

**Аҳоли бандлигини таъминлаш учун кредит олиш бўйича**
**ТАВСИЯНОМА**

______________вилоят/шаҳар, _____________ туман, ____________ МФЙ, ____________кўчаси, ____ уйда истиқомат қилувчи фуқаро _______________________ ______йил «______» ______________________да туғилган.
(Ф.И.О.)

Фуқаро — ________________, маълумоти________, мутахассислиги___________, умумий иш стажи_____йил,
(Ф.И.О.)
охирги иш жойи __________, иш жойидан бўшаган вақти__________, меҳнат органидан иш изловчи сифатида рўйхатга олинган сана __________ (шахсий карточка рақами ва санаси).

Фуқаро ____________________уй шароитида __________фаолият тури билан шуғулланиш орқали банд
(Ф.И.О.)
бўлиш истагини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) асосан фуқаро _________________________________га фаолият тури билан шуғулланиши учун энг кам иш ҳақининг
(Ф.И.О.)
________ бараваригача бўлган миқдорда имтиёзли кредит ажратилишини тавсия этамиз.

Фуқаро томонидан унга ажратилган кредитнинг мақсадли фойдаланиши ҳамда унинг тўлов қобилияти кредит ажратган тижорат банки билан ҳамкорликда доимий назорат қилиб борилади. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш чоралари кўрилади.

**Туман (шаҳар) сектор раҳбари**
2018 йил «____»_______________ *(имзо, муҳр, Ф.И.О.)*

**Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази директори**
2018 йил «____»_______________ *(имзо, муҳр, Ф.И.О.)».*

*Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга*
*2-ИЛОВА*

*«Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга*
*2-ИЛОВА*

АРИЗА

Мен, _____________(паспорт рақами ______________, 20_____йил «______» ___________да
(Ф.И.О.)
_____________туман(шаҳар)ИИБтомонидан берилган)______йил«____»___________да___________________ туман (шаҳар)да туғилганман. Ҳозирда __________________туман (шаҳар),__________________МФЙ, ___________________кўчаси, ______уйда истиқомат қиламан.

Менга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) асосан иш билан банд бўлишим учун___________________________________ юритиш мақсадида йиллик
*(фаолият тури ва мақсади)*
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги ______ фоиз устама тўлаш шарти билан ______ (______) йил муддатга, шу жумладан асосий қарз тўлови бўйича ______ойлик имтиёзли давр билан __________________сўм *(сумма сўз билан)* миқдорида имтиёзли кредит ажратишингизни сўрайман.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:
__________________________________________________________________;
__________________________________________________________________;
__________________________________________________________________;
__________________________________________________________________.

Олинган кредит маблағидан мақсадли фойдаланиш, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлиқ тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

Ариза берувчи, фуқаро (имзо) Ф.И.О.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда 1497-3 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон қарори (рўйхат рақами 1497, 2005 йил 15 июль, октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 215-модда) билан тасдиқланган Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

*Тошкент ш.,*
*2018 йил 8 сентябрь, 29/8-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2018 йил 8 сентябрдаги*
*29/8-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«барча қисқа валюта мавқелари жами суммаси — барча турдаги чет эл валюталари бўйича қисқа очиқ валюта мавқеларининг жами йиғиндиси;

барча узун валюта мавқелари жами суммаси — барча турдаги чет эл валюталари бўйича узун очиқ валюта мавқеларининг жами йиғиндиси;»;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Очиқ валюта мавқелари жами суммасининг ҳақиқий ҳажми барча қисқа ва барча узун валюта мавқелари жами суммаларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқишда ҳамда барча очиқ валюта мавқеларини ҳисоблаб чиқишда аниқланади.».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тижорат банкларининг миллий валютани чет эл валюталарига нисбатан қийматининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган валюта хатарини чеклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тижорат банклари учун очиқ валюта мавқеларининг қуйидагилар бўйича чегаралари белгиланади:

чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича;

очиқ валюта мавқеларининг жами суммаси;

барча қисқа валюта мавқелари жами суммаси;

барча узун валюта мавқелари жами суммаси.».

4. 9 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 13-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Тижорат банклари ўзларининг филиаллари учун очиқ валюта мавқелари лимитларини мазкур Қоидалар билан белгиланган талаблар доирасида мустақил равишда белгилайди ва бу ҳақида уларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.».

6. 14-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк томонидан ўтказилаётган текширув маълумотлари;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«тижорат банкларининг баланс ҳисобварақларининг кунлик мониторинги.».

7. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Очиқ валюта мавқеларининг лимити ошириб юборилган ҳолларда ёки ҳисобот тақдим этилмаганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг қарорига асосан тижорат банкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўллаши мумкин.».

# «Навоий» ЭИЗнинг илдам қадамлари

**Мамлакатимизда хорижий инвестициялар ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Айниқса, эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларда қулай инвестицион шароит – инвесторлар учун имтиёзлар, преференция ва кўплаб имкониятлар яратилаётгани чет эллик сармоядорларнинг диққат эътиборини тортаётир.**



Айни кунда юртимизда 20 та эркин иқтисодий зона фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксарида хорижий инвесторлар иштирокида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикада биринчилар қаторида ташкил этилган Навоий вилоятидаги «Навоий» ЭИЗ ҳам хорижликлар қизиқишига сабаб бўлаётган масканлардан ҳисобланади. Чунки бу ернинг қулай географик жойлашуви, логистика имкониятларининг юқорилиги ҳамда алоҳида божхона ва солиқ имтиёзларининг жорий этилгани инвесторларни бефарқ қолдиргани йўқ.

Ўтган давр мобайнида «Навоий» ЭИЗда Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, ўтган йили ЭИЗ корхоналари томонидан 302,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режага нисбатан юқори (118,8%) кўрсаткичга эришилди.

– Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, ЭИЗ ҳудудида 21 та тадбиркорлик субъектлари (шундан 14 таси қўшма корхона) томонидан қиймати 166,0 млн. доллар бўлган 29 та лойиҳа амалга оширилиб, натижада ўтган 9 ой мобайнида умумий қиймати 614,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, – дейди «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари Азамат Файзиев. – Улардан 6,1 млн. долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилиниб, 1,3 мингта янги иш ўринлари яратилди. Бу рақамлар шуни исботлаб турибдики, мазкур эркин иқтисодий зона ҳам халқ фаровонлиги, ҳам юрт равнақи учун самарали фаолият юритаётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилояти ЭИЗ ва КСЗ Маъмурий кенгаши томонидан умумий қиймати 57,1 млн. доллар бўлган 10 инвестиция лойиҳаси – «UzEraeCable» МЧЖ ҚК негизида электр узатгичлар ва маиший симлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва «Alviero» ХК томонидан ҳар хил турдаги синтетик ювиш воситаларини юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси, «UzHongKong» ЧЭК томонидан мобил телефон ва телевизорлар ишлаб чиқариш, «Aslam Baraka Business» ХК томонидан кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «NOVO FARM KOMPLEKT» МЧЖ ҚК – дори воситалари ва дори воситаларини қадоқлаш учун идиш ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ЭИЗ ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар асосида олти юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бу эса юзлаб хонадонга файз-барака киради деганидир.

*Г.МАЛИКОВА*

БАНК ВА МИЖОЗ

# Халқ банкидан тушликсиз хизмат

**«Банк – мижоз учун» иборасини кўп эшитамиз. Мазкур ибора бугун чин маънода ҳаётда ўз аксини топаяпти, десак янглишмаймиз. Чунки айни дамда барча тижорат банклари томонидан бир-биридан қулай янги хизмат турлари жорий этилмоқдаки, натижада қайси банк хизматидан фойдаланишни ҳам билмай қоласан, киши.**

Бу борада АТ Халқ банки ҳам аҳолига қатор янги хизматлар, қулайликлар яратиб, мижозлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бирга, мижозларга микроқарз ажратиш хизматининг жорий этилгани аҳоли учун айни муддао бўлди. Чунки бу хизматдан сентябрь ойининг ўзида 1 200 дан ортиқ мижоз фойдаланиб, 10,0 млрд. сўмга яқин микроқарз берилди. Айни пайтда қарз олувчиларнинг тўловга лаёқатлилик даражасини аниқлаш юзасидан автоматлаштирилган «скоринг модели»ни яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Халқ банки томонидан «Xalq Mobile» мобил иловаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида мижозлар Visa карталарига тўлов карталари орқали исталган жойда онлайн конвертация қилишлари мумкин. Шунингдек, илова кредит тўловларини сўндириш, кредит тўловлари ва омонатларига ҳисобланган фоизларни онлайн кузатиб бориш ҳамда Жамғариб бориладиган пенсия таъминот тизимидаги ҳисобрақамлари ҳолати ва тушган тўловлар ҳақидаги маълумотлардан онлайн хабардор бўлиш имкониятига эга.



Яқинда банкнинг Тошкент шаҳридаги мавжуд 11 филиалида тушликсиз ишлаш режими иш бошлади. Ушбу янгилик мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш, аҳолининг тушлик пайтидаги вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида жорий қилинган. Эндиликда мазкур хизматни босқичма-босқич қолган филиалларда ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тизимда «онлайн» хизматларни йўлга қўйиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар қилинаётир. Мисол учун, юридик шахсларга «Корпоратив мобиль-банкинг» ва «Интернет-банкинг» интерактив банк хизматлари орқали кредит маблағини назорат қилиш ва сўндириш имконияти бор. Қолаверса, ҳозирда «онлайн» режимида кредит бўйича маълумотлар СМС шаклида юборилмоқда. Шу билан

Халқ банки аҳолига кенг қулайликлар яратиш мақсадида Россиянинг Киви банки билан «Контакт» тизимида Россиядан Ўзбекистонга картадан картага пул ўтказмалар ташкил этиш бўйича шартнома имзолади. Ҳозирда ушбу хизматни жорий қилиш бўйича техник ишлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторида Туркиянинг етакчи банклари билан ўзаро пул ўтказмалар тизимини ишга тушириш учун ҳамкорлик йўлга қўйилаётир.

*Сарвар ОЧИЛОВ,*
*АТ Халқ банки*
*ахборот хизмати раҳбари*

# Халқаро инновация форуми

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Сухроб Холмурадов, инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов, БМТ нинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий вакили Хелена Фрейзер, Италиянинг Turboden S.p.A. компанияси директори Марко Барези, Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик агентлиги бошлиғи ўринбосари Мунэо Такасака, «Systematic inventive thinking» компаниясининг устувор йўналишларни излаш ва инновациялар департаменти бошлиғи Мишель Асияг, Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ваколатхонасининг бошлиғи Йорг Пуделька президиум иштирокчилари сифатида чиқиш қилдилар. Шунингдек, тадбирда инновацион ривожланиш вазири И.Абдураҳмонов сўз олиб, ушбу анжумандан асосий мақсад инновацион технологияларни олиб кириш орқали иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдир, дея таъкидлади.

Тадбирда Австрия, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Исроил, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозоғистон, АҚШ каби дунёнинг 30 дан ортиқ давлатлари, нуфузли халқаро ташкилот ва компания вакиллари, илм-фан ва инновациялар соҳасининг етук мутахассислари иштирок этмоқда.

Бу йилги кўргазмада 50 дан ортиқ янги ишланмалар — электромобиллар, робототехника ва учувчисиз қурилмалардан тортиб, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари ва саноатнинг турли йўналишларидаги янги технология ва дастурлар намойиш этилмоқда. Аввалги тадбирларда кўпроқ маҳаллий маҳсулотлар намойишига эътибор қаратилган бўлса, бу сафар кўргазма павильонларидан маҳаллий ва хорижий компаниялар ишланмалари ўрин олган. Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги мамлакатимизни халқаро инвесторлар бозорига олиб чиқиш учун жуда катта аҳамиятга эга. Кўргазма 26 октябрга қадар давом этади.

***finance.uz***

# СТАТИСТИКА

## Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 2018 йил 15 октябрдан 19 октябргача бўлган биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка* (сўмда тон-наси учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Coca-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона) | 34 554 | ▼ | -48 | -0,1% |
| Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона) | 34 737 | ▲ | 121 | 0,3% |
| Автобензин АИ-80 | 4 367 309 | ▲ | 5 685 | 0,1% |
| Автобензин АИ-91 | 5 585 079 | ▼ | -1 095 152 | -16,4% |
| Автобензин АИ-95 | 9 783 122 | – | 0 | 0% |
| Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қопда) | 1 580 000 | – | 0 | 0% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 1 251 460 | – | 0 | 0% |
| Аммиак селитра «А» (қадоқланмаган) | 1 076 049 | – | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қопда) | 2 950 985 | – | 0 | 0% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 5 484 979 | ▲ | 61 | 0% |
| Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м) | 380 000 | – | 0 | 0% |
| Қурилиш битуми БН 90/10 | 4 538 902 | ▲ | 308 922 | 7,3% |
| Дизель ёқилғиси | 8 064 927 | ▲ | 324 225 | 4,2% |
| Дизель ёқилғиси ЭКО | 7 556 725 | ▼ | -30 212 | -0,4% |
| Сўндирилмаган оҳак 1 нав (қопда) | 630 000 | – | 0 | 0% |
| Карбамид (қадоқланмаган) | 923 928 | – | 0 | 0% |
| Квадрат 20 ст 0 СП | 5 682 900 | – | 0 | 0% |
| Техник керосин | 7 131 667 | ▼ | -24 918 | -0,3% |
| Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70% | 6 440 354 | – | 0 | 0% |
| Нефть кокси | 2 087 840 | – | 0 | 0% |
| Ем аралашмаси | 1 237 380 | ▲ | 2 256 | 0,2% |
| Доира 100 ст 3 СП | 5 637 450 | ▲ | 550 | 0,01% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 3 137 615 | ▲ | 169 289 | 5,7% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 2 375 000 | ▼ | -476 999 | -16,7% |
| Лист г.к 16х1500х6000 мм 3 сп пс5 | 8 350 000 | – | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 9 861 006 | ▲ | 833 341 | 9,2% |
| Саноат мойи И-50А | 6 308 198 | ▼ | -496 665 | -7,3% |
| Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр) | 26 200 | – | 0 | 0% |
| Писта ёғи | 6 398 802 | ▼ | -2 055 | -0,03% |
| Рулонли фольгасиз гидроизоляцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (кв.м) | 4 000 000 | – | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 52 107 044 | ▲ | 24 011 | 0,05% |
| Буғдой уни, 1-нав | 966 613 | – | 0 | 0% |
| Буғдой уни, олий нав | 2 287 913 | ▲ | 38 294 | 1,7% |
| Хўжалик совуни, 70% (дона) | 1 926 | ▲ | 8 | 0,4% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда) | 2 890 890 | ▲ | 3 689 | 0% |
| Полипропилен J-550S | 12 433 941 | – | 0 | 0% |
| Полиэтилен F-0120 | 16 016 464 | – | 0 | 0% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 565 977 | ▲ | 941 | 0,2% |
| Сим 6,3 ст 3 | 7 684 640 | ▼ | -127 497 | -1,6% |
| Ем учун дон 3-класс | 1 516 255 | ▲ | 150 918 | 11,1% |
| Ем учун дон 4-класс | 1 303 300 | ▲ | 53 300 | 4,3% |
| Ем учун дон 5-класс | 1 200 254 | ▲ | 254 | 0,02% |
| Шакар (импорт) | 4 400 000 | – | 0 | 0% |
| Суюлтирилган газ | 3 795 228 | ▲ | 299 021 | 8,6% |
| Мойли солидол смазка | 13 560 000 | – | 0 | 0% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 1 378 345 | ▼ | -836 | -0,1% |
| Техник туз | 202 500 | – | 0 | 0% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 14 705 999 | ▼ | -154 871 | -1,0% |
| Пўлат тунука г.к 6х1500х6000 | 7 680 000 | ▼ | -160 000 | -2,0% |
| Пўлат сим ВР-1 д 5мм | 6 850 000 | – | 0 | 0% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 23 659 | ▼ | -72 | -0,3% |
| Шиша банка 3 л (дона) | 1 926 | ▲ | 18 | 0,9% |
| Сульфат аммоний (қадоқланмаган) | 644 823 | ▼ | -320 | -0,05% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 8 572 488 | – | 0 | 0% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 802 400 | ▲ | 32 400 | 4,2% |
| Труба 15х2,8 (метр) | 82 691 | ▲ | 2 391 | 3,0% |
| Пўлат квадрат труба 125х125–4,0 мм (метр) | 114 744 | – | 0 | 0% |
| Бурчак 35 ст 3 СП | 5 975 584 | ▲ | 584 | 0,01% |
| Кўмир СССШ-13 | 331 354 | ▼ | -25 903 | -7,3% |
| Швеллер 12 | 8 890 000 | ▲ | 190 000 | 2,2% |
| Пахта чигити шелухаси | 556 437 | – | 0 | 0% |
| Шифер 8 тўлқинли | 32 040 | ▼ | -718 | -2,2% |
| Шрот (кунгабоқар) | 2 150 845 | ▼ | -749 155 | -26% |
| Шрот (соя) | 4 300 000 | ▲ | 213 875 | 5,2% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 990 654 | ▲ | 7 377 | 0,8% |
| Арпа | 1 350 000 | ▼ | -5 000 | -0,4% |

** Маҳсулотлар котировкаси охирги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охирги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.*

*Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йил 23 октябрдан бошлаб ўрнатилган хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 226,10 | ▲ | 18,06 | 0,22% |
| 1 Евро | 9 470,71 | ▼ | -19,43 | -0,20% |
| 1 Россия рубли | 125,76 | ▲ | 1,91 | 1,54% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10 751,51 | ▼ | -45,35 | -0,42% |
| 1 Япония иенаси | 73,09 | ▼ | -0,07 | -0,10% |
| 1 БАА дирхами | 2 239,92 | ▲ | 4,92 | 0,22% |
| 1 Афғонистон афғониси | 108,74 | ▲ | 0,17 | 0,16% |
| 1 Арманистон драми | 17,07 | ▲ | 0,09 | 0,53% |
| 1 Аргентина песоси | 225,19 | ▲ | 1,42 | 0,6% |
| 1 Австралия доллари | 5 856,98 | ▲ | 15,32 | 0,26% |
| 1 Озарбайжон манати | 4 858,89 | ▲ | 10,67 | 0,22% |
| 1 Бангладеш такаси | 97,06 | ▼ | -1,00 | -1,02% |
| 1 Болгария леви | 4 843,44 | ▼ | -9,08 | -0,19% |
| 1 Бахрайн динори | 21 830,32 | ▲ | 45,62 | 0,21% |
| 1 Бруней доллари | 5 972,19 | ▲ | 13,11 | 0,22% |
| 1 Бразилия реали | 2 214,89 | ▲ | 44,89 | 2,07% |
| 1 Беларусь рубли | 3 905,10 | ▲ | 38,85 | 1,00% |
| 1 Канада доллари | 6 280,90 | ▼ | -22,79 | -0,36% |
| 1 Швейцария франки | 8 256,65 | ▼ | -23,43 | -0,28% |
| 1 Хитой юани | 1 187,18 | ▼ | 0,74 | 0,06% |
| 1 Куба песоси | 8 226,10 | ▲ | 18,06 | 0,22% |
| 1 Чехия кронаси | 366,60 | ▼ | -1,82 | -0,49% |
| 1 Миср фунти | 460,33 | ▲ | 1,78 | 0,39% |
| 1 Грузия лариси | 3 080,94 | ▼ | -39,99 | -1,28% |
| 1 Венгрия форинти | 29,33 | ▲ | 0,02 | 0,07% |
| 1 Исроил шекели | 2 250,46 | ▼ | -15,51 | -0,68% |
| 1 Ҳиндистон рупийси | 112,12 | ▲ | 0,60 | 0,54% |
| 1 Эрон риали | 0,20 | – | 0 | 0% |
| 1 Қирғизистон соми | 118,84 | ▲ | 0,06 | 0,05% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,27 | ▲ | 0,01 | 0,14% |
| 1 Қувайт динори | 27 148,84 | ▲ | 55,13 | 0,20% |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 22,49 | ▲ | 0,34 | 1,53% |
| 1 Малайзия ринггити | 1 979,33 | ▲ | 2,92 | 0,15% |
| 1 Польша злотийси | 2 205,45 | ▼ | -3,51 | -0,16% |
| 1 Сингапур доллари | 5 972,19 | ▲ | 13,11 | 0,22% |
| 1 Тожикистон сомониси | 873,31 | ▲ | 1,69 | 0,19% |
| 1 Туркманистон манати | 2 357,05 | ▲ | 5,18 | 0,22% |
| 1 Янги турк лираси | 1 458,14 | ▲ | 60,10 | 4,30% |
| 1 Украина гривнаси | 292,80 | ▼ | -1,29 | -0,44% |
| 1 СДР | 11 436,75 | ▼ | -32,02 | -0,28% |

## ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси динамикаси

| Сана | USD/UZS | | | |
|---|---|---|---|---|
| | курс | динамика | ўзгариш | ўзгариш (%) |
| 2018 й. 21 сентябрь | 8141,0 | ▲ | 53,00 | 0,66% |
| 2018 й. 24 сентябрь | 8189,0 | ▲ | 48,00 | 0,59% |
| 2018 й. 25 сентябрь | 8183,0 | ▼ | -6,00 | -0,07% |
| 2018 й. 26 сентябрь | 8175,0 | ▼ | -8,00 | -0,10% |
| 2018 й. 27 сентябрь | 8171,0 | ▼ | -4,00 | -0,05% |
| 2018 й. 28 сентябрь | 8176,0 | ▲ | 5,00 | 0,06% |
| 2018 й. 2 октябрь | 8174,0 | ▼ | -2,00 | -0,02% |
| 2018 й. 3 октябрь | 8182,0 | ▲ | 8,00 | 0,10% |
| 2018 й. 4 октябрь | 8179,0 | ▼ | -3,00 | -0,04% |
| 2018 й. 5 октябрь | 8187,0 | ▲ | 8,00 | 0,10% |
| 2018 й. 8 октябрь | 8205,0 | ▲ | 18,00 | 0,22% |
| 2018 й. 9 октябрь | 8203,0 | ▼ | -2,00 | -0,02% |
| 2018 й. 10 октябрь | 8212,0 | ▲ | 9,00 | 0,11% |
| 2018 й. 11 октябрь | 8209,0 | ▼ | -3,00 | -0,04% |
| 2018 й. 12 октябрь | 8215,0 | ▲ | 6,00 | 0,07% |
| 2018 й. 15 октябрь | 8211,0 | ▼ | -4,00 | -0,05% |
| 2018 й. 16 октябрь | 8220,0 | ▲ | 9,00 | 0,11% |
| 2018 й. 17 октябрь | 8224,0 | ▲ | 4,00 | 0,05% |
| 2018 й. 18 октябрь | 8233,0 | ▲ | 9,00 | 0,11% |
| 2018 й. 19 октябрь | 8237,0 | ▲ | 4,00 | 0,05% |
| 2018 й. 22 октябрь | 8234,0 | ▼ | -3,00 | -0,04% |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси (www.uzex.uz), ЎзР Марказий банки (www.cbu.uz) ва ЎзР Валюта биржаси (www.uzrvb.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

## «Тошкент» РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирликда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **UCI** | | | | |
| 19.10.2018 | 1 026,25 | ▼ -1.74 | 126 311 | 192 726 873 |
| 18.10.2018 | 1 027,99 | ▼ -1.69 | 24 916 | 27 996 640,80 |
| 17.10.2018 | 1 029,68 | ▼ -0.01 | 617 551 | 668 686 899,98 |
| 16.10.2018 | 1 029,69 | ▲ 0.88 | 7 976 482 | 1 253 231 163,04 |
| 15.10.2018 | 1 028,81 | ▲ 1.68 | 951 604 | 160 281 044,60 |
| 12.10.2018 | 1 027,13 | ▼ -0.11 | 8 771 916 | 8 182 222 360 |
| 11.10.2018 | 1 027,24 | ▲ 0.70 | 225 233 | 323 086 520,40 |
| 10.10.2018 | 1 026,54 | 0 | 747 394 | 868 832 088,50 |
| 09.10.2018 | 1 026,54 | ▼ -15.25 | 3 047 437 | 2 511 690 435 |
| 08.10.2018 | 1 041,79 | 0 | 0 | 0 |
| **Молия сектори** | | | | |
| 19.10.2018 | 950,82 | ▼ -1.37 | 75 736 | 1 211 776 |
| 18.10.2018 | 952,19 | ▼ -8.29 | 20 408 | 287 575,80 |
| 17.10.2018 | 960,48 | ▼ -0.03 | 414 429 | 410 929 000 |
| 16.10.2018 | 960,51 | ▲ 3.43 | 7 974 469 | 1 221 093 513,04 |
| 15.10.2018 | 957,08 | ▲ 7.33 | 182 000 | 168 580 |
| 12.10.2018 | 949,75 | 0 | 8 769 416 | 8 169 249 360,20 |
| 11.10.2018 | 949,75 | 0 | 223 060 | 303 949 430,40 |
| 10.10.2018 | 949,75 | 0 | 732 537 | 732 507 088,50 |
| 09.10.2018 | 949,75 | ▼ -57.65 | 3 028 631 | 2 337 460 044,20 |
| 08.10.2018 | 1 007,40 | 0 | 0 | 0 |
| **Саноат** | | | | |
| 19.10.2018 | 1 413,39 | ▼ -21.75 | 30 870 | 158 775 000 |
| 18.10.2018 | 1 435,14 | 0 | 0 | 0 |
| 17.10.2018 | 1 435,14 | ▲ 2.94 | 1 215 | 1 125 000 |
| 16.10.2018 | 1 432,20 | ▼ -0.28 | 10 | 10 000 |
| 15.10.2018 | 1 432,48 | 0 | 664 335 | 664 335 |
| 12.10.2018 | 1 432,48 | 0 | 0 | 0 |
| 11.10.2018 | 1 432,48 | ▲ 0.27 | 44 | 48 400 |
| 10.10.2018 | 1 432,21 | 0 | 12 408 | 124 080 000 |
| 09.10.2018 | 1 432,21 | 0 | 4 715 | 47 150 000 |
| 08.10.2018 | 1 432,21 | 0 | 0 | 0 |
| **Қурилиш сектори** | | | | |
| 19.10.2018 | 2 573,92 | ▼ -8.01 | 205 | 1 065 097 |
| 18.10.2018 | 2 581,93 | ▲ 28.89 | 4 508 | 27 709 065 |
| 17.10.2018 | 2 553,04 | ▼ -8.26 | 201 907 | 256 632 900 |
| 16.10.2018 | 2 561,30 | ▲ 0.17 | 2 003 | 32 127 650 |
| 15.10.2018 | 2 561,13 | ▲ 1.20 | 45 | 75 129,60 |
| 12.10.2018 | 2 559,93 | ▼ -6.40 | 2 500 | 12 973 000 |
| 11.10.2018 | 2 566,33 | ▲ 37.81 | 189 | 988 690 |
| 10.10.2018 | 2 528,52 | 0 | 2 449 | 12 245 000 |
| 09.10.2018 | 2 528,52 | ▼ -1.59 | 3 592 | 66 186 690 |
| 08.10.2018 | 2 530,11 | 0 | 0 | 0 |
| **Агросаноат мажмуаси** | | | | |
| 19.10.2018 | 1 767,60 | ▼ -74.91 | 19 500 | 31 675 000 |
| 18.10.2018 | 1 842,51 | 0 | 0 | 0 |
| 17.10.2018 | 1 842,51 | 0 | 0 | 0 |
| 16.10.2018 | 1 842,51 | 0 | 0 | 0 |
| 15.10.2018 | 1 842,51 | ▼ -51.03 | 105 224 | 159 373 000 |
| 12.10.2018 | 1 893,54 | 0 | 0 | 0 |
| 11.10.2018 | 1 893,54 | 0 | 0 | 0 |
| 10.10.2018 | 1 893,54 | 0 | 0 | 0 |
| 09.10.2018 | 1 893,54 | 0 | 0 | 0 |
| 08.10.2018 | 1 893,54 | 0 | 0 | 0 |
| **Ижтимоий соҳа** | | | | |
| 19.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 18.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 17.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 16.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 15.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 12.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 11.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 10.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 09.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| 08.10.2018 | 1 061,46 | 0 | 0 | 0 |
| **Бошқа соҳалар** | | | | |
| 19.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 18.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 17.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 16.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 15.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 12.10.2018 | 2 066,15 | 0 | 0 | 0 |
| 11.10.2018 | 2 066,15 | ▲ 10.02 | 1 940 | 18 100 000 |
| 10.10.2018 | 2 056,13 | 0 | 0 | 0 |
| 09.10.2018 | 2 056,13 | ▼ -47.43 | 10 499 | 60 893 701 |
| 08.10.2018 | 2 103,56 | 0 | 0 | 0 |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

## Миллий валютадаги имтиёзли кредитлар бўйича банк фоиз ставкалари

(ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари)

| Кредит турлари ва муддати | Январь 2018 | Февраль 2018 | Март 2018 | Апрель 2018 | Май 2018 | Июнь 2018 | Июль 2018 | Август 2018 | Сентябрь 2018 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Барча кредит турлари бўйича** *жумладан:* | **7,0** | **8,2** | **8,8** | **5,5** | **6,6** | **6,5** | **7,3** | **6,4** | **7,0** |
| **Қисқа муддатли кредитлар** | **5,5** | **7,0** | **9,2** | **5,0** | **3,5** | **4,4** | **3,6** | **3,9** | **4,8** |
| - 60 кунгача | 6,4 | 6,5 | 5,4 | 6,5 | 6,5 | 6,5 | 6,5 | | 6,5 |
| - 61 кундан 90 кунгача | 11,3 | 10,5 | 10,5 | 9,6 | 9,8 | 11,0 | 10,5 | 11,7 | 9,9 |
| - 91 кундан 180 кунгача | 7,3 | 2,8 | 3,2 | 7,8 | 8,4 | 4,5 | 3,5 | 10,0 | 10,7 |
| - 181 кундан 365 кунгача | 5,4 | 7,0 | 9,4 | 4,5 | 3,2 | 3,6 | 3,3 | 3,6 | 3,4 |
| **Узоқ муддатли кредитлар** | **7,3** | **8,4** | **8,8** | **5,6** | **6,9** | **7,0** | **7,7** | **6,6** | **7,3** |
| - 1 йилдан 2 йилгача | 9,3 | 7,0 | 8,2 | 4,0 | 4,0 | 4,6 | 4,9 | 4,8 | 9,2 |
| - 2 йилдан 3 йилгача | 11,6 | 11,8 | 10,5 | 7,9 | 7,5 | 7,8 | 7,4 | 8,7 | 8,2 |
| - 3 йилдан 4 йилгача | 12,3 | 12,3 | 11,8 | 9,6 | 10,4 | 9,6 | 9,7 | 11,5 | 2,1 |
| - 4 йилдан 5 йилгача | 12,5 | 11,1 | 12,3 | 11,7 | 12,1 | 12,9 | 11,5 | 12,2 | 9,3 |
| - 5 йилдан 10 йилгача | 5,7 | 8,2 | 12,7 | 11,1 | 13,3 | 12,2 | 12,3 | 12,2 | 12,6 |
| - 10 йилдан юқори | 8,9 | 11,4 | 9,1 | 7,8 | 6,9 | 8,9 | 7,5 | 6,1 | 6,7 |

## Хорижий валютадаги кредитлар бўйича банк фоиз ставкалари

(ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари)

**Банк фоиз ставкалари,** барча кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** қисқа муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** 60 кунгача ва 61 кундан 90 кунгача бўлган қисқа муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** 61 кундан 180 кунгача ва 181 кундан 365 кунгача бўлган қисқа муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** узоқ муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** 1 йилдан 2 йилгача ва 2 йилдан 3 йилгача бўлган узоқ муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** 3 йилдан 4 йилгача ва 4 йилдан 5 йилгача бўлган узоқ муддатли кредитлар бўйича, фоизда




**Банк фоиз ставкалари,** 5 йилдан 10 йилгача ва 10 йилдан юқори бўлган узоқ муддатли кредитлар бўйича, фоизда




*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (cbu.uz) материаллари асосида тайёрланди.*

# Энди экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди

**Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизими ташкил этилади.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Унга кўра:

юридик шахслар – мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эга;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортидан тушумларни ўз вақтида таъминламаган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш талаблари уларга қўлланган ҳолда ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар реестрига киритилади;

тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиққа тортиш тартиби қўлланилади;

экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди;

тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари мумкин.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқликка сертификатлаштириш бўйича халқаро тан олинган ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилади.

2019 йил 1 мартга қадар:

интернет тармоғида «Trade-Uzbekistan.com» электрон савдо майдончаси ҳамда экспорт жараёнининг барча босқичларини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот портали яратилади;

мамлакатда «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқ мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий корхоналарни сертификатлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ташкил этилади.

***ЎзА материали асосида***

# «Ўзсаноатқурилишбанк» – Самарқанд шаҳридаги энг намунали банк

**18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни муносабати билан қадим масканда «Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар» шиори остида туркум тадбирлар ҳамда ижтимоий тармоқларда *#Samarkandday* хэштеги остида турли танловлар ўтказилди.**

Регистон майдонида эса 3D шоу дастурлари намойиш этилди. Шунингдек, муқаддас обидалар ва бетакрор тарихий мўъжизаларга бой Самарқанд шаҳрининг бугунги замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган турли давлат ва жамоат ташкилотлари, банк-молия муассасалари алоҳида рағбатлантирилди.

Шулар қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳридаги Амир Темур филиали ҳам «Мижозларга сифатли хизмат кўрсатадиган энг намунали банк» дея эътироф этилиб, филиал бошқарувчиси Фарҳод Ҳамидов Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Бу эса «Ўзсаноатқурилишбанк» нуфузини янада ошириб, бутун жамоа руҳини кўтарди.

Мазкур филиал фаолиятини 2003 йилда бошлаган бўлиб, айни кунда ушбу ҳудуддаги 6,5 мингга яқин жисмоний ва юридик шахс мақомидаги мижозларга замонавий стандартлар асосида хизмат кўрсатиб келмокда. Бу жараёнда филиал тизимидаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиб келаётгани муносиб баҳосини олди, дейишимиз мумкин.

***finance.uz***

ОБУНА-2019

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019

Обуначилар диққатига!



• Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкилотлар орқали расмийлаштиринг.
• Таҳририят бугунги кунда қуйидагилар билан шартнома имзолаган:
ТАРҚАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:
► «Ўзбекистон почтаси»;
► «Матбуот тарқатувчи» агентликлари.
ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:
► «SAYYOR 2017» МЧЖ;
► «GRAND INTER MEDIA» МЧЖ;
► «SHA-GAY PRESS SERVIS» МЧЖ;
► «Matbuot Servis» МЧЖ;
► «Matbuotchi» МЧЖ;
► «SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ;
► «KALEON INFORM» МЧЖ;
► «MATBUOT TONGI» МЧЖ.
• Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uzдан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, таҳририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



БОЗОРНИ ТЎЛАҚОНЛИ ИДРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ

Обуна индекси – 102.

Обуна бўйича мурожаат учун:
Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.
Факс: (998) 71 232-43-98.
E-mail: info@banknews.uz

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*
*«Norma Hamkor» МЧЖ*
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР
*Р.Л. ВАЛИЕВ*
Нашр учун масъул
*Б. МУҲАММАДИЕВ*
ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz, www.banknews.uz
**Реклама ва эълонлар учун 71 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг. Факс: 71 232-43-98.**
Нашр индекси – 102.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан **2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.*
*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*
Буюртма № г 1089.
Адади 3125 нусха.
*Нархи шартнома асосида.*
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 24.10.2018 й., 9.00.
1 2 3 4 5

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.** Корхона манзили: **Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**